
Ўзбекистон туманида ҳам “Зўравонликка қарши 16 кун” акцияси доирасидаги тадбирлар бошланди

БМТ Бош Ассамблеясининг 1999-йил 17-декабрдаги резолюцияси билан “25 ноябрь – Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш” халқаро куни сифатида белгиланган.

Шу муносабат билан ҳар йили дунё миқёсида 25-ноябрдан 10-декабргача “Зўравонликка қарши 16 кун” шиори остида турли тадбирлар ўтказилади.

Ўзбекистон туманида айни ҳалқаро акция доирасидаги тарғибот тадбирларига старт берилди.

Хусусан, бугун туман оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамда ҳамкор ташкилотлар ташаббуслигида хотин-қизлар ўртасида спортнинг енгил атлетика, стол тенниси ва шахмат-шашка каби турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Тадбирда аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш учун жамиятнинг барча қатламлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлиги яна бир бор қайд этилди.

Ҳалқаро акция доирасидаги тарғибот тадбирлари жойларда давом этмоқда.

2024-11-25 21:09:13